



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Айни пайтда мамлакатимиз темир йўл тизими-нинг турли ҳудудларида янги йўллари қуриш, мавжудларини электрлаштириш каби республикаимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлиги учун муҳим бўлган лойиҳаларни амалга оширишмоқда.

“МИСКИН – НУКУС” ТЕМИР ЙЎЛИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

196 километрлик “Мискин – Нукус” темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Бугунги кунда ноқулай ҳудуддаги ва иқлими мураккаб бўлган ушбу йўналишда юзлаб, минглаб темирйўлчиларимиз пўлат изларни электрлаштириш ва юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларга мослаштириш ишларини самарали амалга оширишмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан ушбу участка ҳудудларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳолатига, меҳнат муҳофазасига, мураккаб иқлим ва ҳудуд шароитига эга масканларда қулай шароитларни яратиб беришга катта аҳамият қаратиб келинмоқда.



Хусусан, ўтган ҳафта Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши вакилларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан “Мискин – Нукус” темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳасининг бажарилишида қўрилиш объектларида ишлаётган темирйўлчиларнинг яшаш ҳолати, овқатланиш, дам олиш ва меҳнат шароитлари ҳамда махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлик аҳволи ўрганилди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги арафасида ҳамда темир йўл тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, “Мискин – Нукус” темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси бажарилишида намунали меҳнатлари билан касаба уюшма аъзоларига ўрнатқ бўлиб, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги, жамоат ишларида фаол хизмат кўрсатиб келаётганликлари инобатга олиниб, касаба уюшма фаолларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиалининг 15 нафар, “1-сон Энергомонтаж поезд” масъулияти чекланган жамияти ишчи-ходимларининг 85 нафар, жами 100 нафар ходимнинг ҳар бири Республика Кенгаши бюджетидан 500 000 (беш юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти билан моддий рағбатлантирилди. Бу каби эзгу ишлар, фаол соҳа ходимлари ҳамда мураккаб ҳудудларда меҳнат қилаётган касб эгаларининг ижтимоий ҳолатини ўрганиш ва моддий қўллаб-қувватлаш ишлари бошқа ҳудудларда ҳам давом эттирилади.

ТАДБИР

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҚАМЛАШ ВА ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ЗАРУР

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида департамент, бошқарма, муассаса, марказ, масъулияти чекланган жамияти, акциядорлик жамияти, офис, ташкилот ва хизмат раҳбарлари ҳамда ижро интизомига масъул ходимларнинг “Ijro.gov.uz” тизимидаги топшириқлар ижросининг бажариши юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6166-сон фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5132-сон қарори асосида мазкур тизимда назоратга олинган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган вазифалар таҳлил қилиниб, камчиликлар аниқланиб, зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан топшириқлар берилди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИДА ИЛҒОР МУҲАНДИСЛИК МАКТАБИ ОЧИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА
ТРАНСПОРТ ИНФРА-
ТУЗИЛМАСИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ, СОҲАГА
ЗАМОНАВИЙ ЁНДА-
ШУВЛАР ВА ХАЛҚАРО
ТАЖРИБАЛАРНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚ-
САДИДА НАВБАТДАГИ
МУҲИМ ТАШАББУС
АМАЛГА ОШИРИЛДИ.



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаевнинг тегишли буйруғи асосида Тошкент давлат транспорт университетида Илғор муҳандислик мактаби, замонавий ўқув полигони, вагон хўжалигига ихтисослашган 2 та ўқув хонаси, 2 та 400 ўринли “Бренд” аудитория фойдаланишга топширилди.

2025 йил 22 апрель кунини ушбу Илғор муҳандислик мактаби ҳамда ўқув полигонининг очилиш маросимига бағишланган тадбирда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар, темир йўл мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан З.Нарзуллаев ушбу марказда амалий кўникмаларини оширган талабалар келажақда соҳамизнинг етуқ мутахассислари бўлиб етишишларига ҳамда Ўзбекистон темир йўлларида фаолият кўрсатиб, тизимнинг янада ривожланишига катта ҳисса қўишларини таъкидлаб ўтди.

Мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим соҳасидаги ислохотла-

ри доирасида ташкил этилиб, муҳандислик-таълим жараёнларини илғор халқаро стандартлар асосида амалга оширишга хизмат қилади. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти кўмағида фаолият юритувчи мактаб орқали талабалар:

- илғор технологияларни чуқур ўрганиш;
- замонавий лабораторияларда амалий машғулотлар ўтказиш;
- соҳа мутахассислари билан илмий изланишлар олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Мактаб таркибида 6 та замонавий:

- Вагонларни диагностикалаш ва синовдан ўтказиш лабораторияси;
- Сигналлаштириш ва алоқа тизимлари хонаси;
- Электр машиналар технологияси хонаси;
- Транспорт электр таъминоти ва энергия тақсироти хонаси;
- Темир йўл инфратузилмаси ва хўжалиги хонаси;
- Тортув ҳаракат таркиби лабораторияси мавжуд.



Ёқубжон МУРОТОВ олган суратлар

МАВСУМ КЎРИГИ

ТЕРМИЗДА БАҲОРГИ КЎРИК ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг тегишли буйруғига асосан “Ўзбекистон темир йўллари” ҳамда “Темирйўл инфратузилма” акциядорлик жамиятлари раҳбарияти бошчилигидаги бир гуруҳ комиссия аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси техникавий фойдаланиш қоидаларининг 132-бандига асосан 2025 йилнинг 16-18 апрель кунлари “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли корхона, ташкилот ва станцияларда хўжаликлар аҳволи, меҳнат интизомига риоя қилиниши, иншоот ва қурилмаларнинг соз сақланиши, иш технологиясининг бажарилиши, шунингдек, меҳнат муҳофазасини кафолатловчи зарур бўлган чораларни кўриш ҳамда ҳаракат хавфсизлиги талабларининг бажарилиши бўйича профилактик ишларни олиб бориш, локомотив, вагон, йўл, электр таъминоти, сигналлаштириш ва алоқа хўжалигидаги камчиликлар-



ни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди.

“Темирйўл инфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси томонидан ҳар бир станция ҳамда корхоналарда ишчи-ходимларга яратилган шарт-шароитлар, бино ва иншоотларнинг ҳамда мавжуд техника-



ларнинг ҳолати, темир йўл кесишмалари, стрелкали ўтказгичлар, алоқа, энергия таъминоти тизимларининг созлиги, шунингдек, локомотив ва ва-

гон хўжалиги томонидан амалга оширилаётган ишлар атрофлича ўрганиб чиқилди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИДА ИЛҒОР МУҲАНДИСЛИК МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Темир йўл соҳаси учун муҳим бўлган вагон ҳўжалиги йўналишида махсус 2 та ўқув хонаси ҳам замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу хоналарда вагонларнинг техник диагностикаси, эксплуатация ҳолатлари, носоз қисмларни аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда амалий машғулотлар учун махсус интерактив воситалар мавжуд.

Бу ташаббус орқали вагон ҳўжалигига ихтисослашган талабаларнинг малакаси сезиларли даражада ошиб, уларнинг касбий тайёргарлиги янада мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини такомиллаштириш мақсадида икки йирик аудитория замонавийлаштирилди. Улар интерфаол доскалар, мультимедиа воситалари, аудио-визуал технологиялар билан тўлиқ жиҳозланиб, интерактив дарслар, анжуманлар ҳамда халқаро миқёсдаги тақдимотлар ва илмий форумлар ўтказиш имконини берувчи қулай макон ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Тошкент давлат транспорт университети ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ўртасидаги стратегик ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилиб, турли йўналишларда изчил ривожланмоқда. Мазкур ҳамкорлик нафақат ўқув жараёнини модернизациялаш, балки илмий тадқиқот фаолияти, технологик янгиланган ва сааноат амалиётини уйғунлаштириш борасида ҳам сезиларли натижаларни берди.



Айниқса, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан эълон қилинган 5 та йирик илмий лойиҳада айнан Транспорт университети профессор-ўқитувчилари ғолибликни қўлга киритгани олийгоҳ салоҳияти ва илмий-инновацион имкониятларининг яққол ифодасидир. Ушбу лойиҳалар доирасида илғор технологияларни ишлаб чиқиш, транспорт тизимларини модернизация қилиш ва хавфсизликни оширишга қаратилган қатор ташаб-

буслар илгари сурилмоқда.

Бу муваффақиятлар илм-фан, технология ва инновациялар ўзаро уйғунлашиб, реал соҳа муаммоларини ҳал этишга хизмат қилаётганидан далолат беради. Шунингдек, университет олимлари томонидан яратилган лойиҳалар, аynи пайтда ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этилмоқда ёки синовдан ўтказилмоқда.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб эса “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик



жамияти томонидан иқтидорли ва ташаббускор талабаларга мўлжалланган махсус “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раиси стипендияси жорий қилиниши режалаштирилмоқда. Ушбу ташаббус орқали ўзининг салоҳиятини намоён қилган талабалар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади, бу эса уларнинг илм-фан ва инновацион фаолиятга бўлган қизиқишини янада кучайтиради.

Тадбир давомида иштирокчилар Илғор

муҳандислик мактабида яратилган шароитлар, янгиланган ўқув полигони, “Вагонлар ва вагон ҳўжалиги” кафедрасига қарашли замонавий аудиториялар ҳамда “Бренд” аудиториялар билан танишди.

Мазкур ислохотлар доирасида университетнинг таълим инфратузилмаси тубдан такомиллаштирилиб, Ўзбекистоннинг транспорт соҳасида халқаро миқёсдаги рақобатбардош муҳандис ва мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ШАҲСИЙ МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ЗАРУР



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Мажлисни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг маслаҳатчиси – котибият бошлиғи А.Абдуразаков котибиятнинг масъул ходимлари иштирокида “ljro.gov.uz” тизимида намунали иш юритиш, ҳужжатларни тўғри жойлаштириш, тизимда такрор камчиликларни бартараф этишда йўл қўйилаётган ва келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида маълумот берди.

Хусусан, жорий йилнинг II чора-гиди (апрель, май ва июнь ойлари) ижроси таъминланиши лозим бўлган топшириқлар ҳамда кун тартибида кўриб чиқиладиган масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда баёнларидаги юклатилган вазифалар, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва топшириқлари, Жамиятнинг назоратқа олинган ички ҳужжатлари (буйруқ, баён) шунингдек, иқтисодий ўқиш



каби масалалар юзасидан ахборот берилди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида ташкиллаштирилган, Жамият раҳбарлари томонидан имзоланган буйруқ, фармойиш ва топшириқлар назорати ҳам мунтазам мониторинг қилиниши ҳақида йиғилиш қатнашчиларига тушунтирилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида тўғри ва хатоларсиз киритиш зарурлиги айтиб ўтилди.

– “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида энг фаол, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида тўғри ва хатоларсиз киритган масъул ходимларни рағбатлантириш керак, – деди А.Абдуразаков. – Бунда топшириқларнинг муҳимлик вазифасига қараб баллар қўйилиб борилсин ҳамда Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармасига ҳар олти ойда ҳисобот топширсин.

Шундан сўнг сўзга “Ўзбекистон

темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ж.Юлдашев чиқди. У 2025 йил 5 март кун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашида ўтказилган йиғилишда коррупциянинг олдини олиш бўйича берилган топшириқлар бажарилиши юзасидан ва ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар тўғрисида гапириб ўтди. Жамият ходимлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, уларнинг келиб чиқишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Соҳа масъулларига биринчи навбатда тизим ташкилотлари фаолиятини рақамлаштириш орқали инсон омилни камайтиришга қаратилган электрон платформаларни яратиш, шунингдек, коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни доимий амалга ошириб бориш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Тадбирда коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор хорижий тажрибалар таҳлил қилиниб, мамлакатимиз шароитига мос келувчи усулларни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлис сўнггида бошқарма, ташкилот ва корхоналарнинг ижро интизомига масъул бўлган мутахассислар фаол иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларига атроф-лича жавоб олдилар.

Донохон ГАЗИЕВА

ТЕРМИЗДА БАҲОРГИ КўРИК ТАДБИРЛАРИ ўТКАЗИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Кўрик давомида станция ва ҳўжалиқлардаги ишлар ҳамда мавжуд қурилмаларнинг созлиги мутахассислар томонидан назоратдан ўтказилди.

Ҳар бир станцияда навбатчилар билан савол-жавоблар қилиниб, поездларнинг хавфсиз ҳаракатини ташкил қилиш борасидаги билимлари синовдан ўтказилди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси мутахассислари ҳамда жойлардаги масъуллар иштирокида, ишчилар ўртасида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича савол-жавоб ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу амалга оширилаётган ишлар, чора-тадбирлар келгуси баҳор мавсумида темир йўл транспортининг самарали ва хавфсиз ишлашини таъминлашга қаратилган.

Бундай тадбирлар йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва юк ташини сифатини яхшилашга, шунингдек, темир йўлларда фавқулодда вазиятлар хавфини камайтиришга ёрдам беради. Баҳор мавсумига тайёргарлик нафақат темир йўл тармоғининг фаолиятини яхшилайдиган, балки Ўзбекистон Республикаси транспорт инфратузилмасининг умумий ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.

ЭЪТИРОФ

Мамлакатимизда кенг миқёсда олиб борилаётган ижобий ўзгаришлар барча соҳаларда бўлгани каби темир йўл тармоғида ҳам яққол сезилмоқда.

ПОЕЗДЛАРДА ЙўЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШЛАРИДАН МАМНУН БўЛДИМ

Сўнгги пайтларда турмуш ўртоғим билан мамлакатимиз бўйлаб сафарга чиқсак, албатта темир йўл хизматидан фойдаланамиз. Аниқроғи, “Насаф” теъжорат поездида чиқамиз. Поезд вагонларида яратилган қулай шароит, хизмат кўрсатиш, ходимларнинг муомаласи, уларнинг йўловчилардан тез-тез хабар олиб туришлари бундай хизматларни йўлга қўйса бўларкан-ку, деб кўямиз ўзаро гурунглариимизда.

Айниқса, ходимларнинг вагонга чиқишда, ўриндиқларга жойлаштиришда, юкларни кўтариш ва туширишда берган ёрдамларини биз, кекса авлод вакилларига бўлган чексиз ҳурмат ҳамда эътибор деб тушунамиз.

Бир вақтлар, аниқроғи, собиқ совет тузуми даврида вагонлардаги ўриндиқларнинг ҳолати, ўриндиққа нисбатан йўловчиларнинг кўп олинмиши натижазидаги ортиқча асаббузарликлар, вагон ходимларининг кўпол муомаласини бугунги кун билан таққосласак, темир йўл тизимида хизмат кўрсатиш маданияти янада такомиллашганлиги, ходимларнинг масъулияти ошганлиги, тизимда тубдан ислохотлар амалга оширилаётганлигининг яққол исботидир.

Фурсатдан фойдаланиб, темир йўллар орқали сафарга чиқиш жуда қулай эканлигини ва афзаллигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Биринчидан, тезлик меъёри автомобилга нисбатан катта бўлиб, вақтингиз икки баравар тежалади, яъни манзилга тезроқ борасиз. Иккинчидан, йўловчи ўриндиқда бемалол дам олиб, теварак-атрофни томоша қилиб, табиат манзараларидан баҳраманд бўлиб борасиз. Учинчидан эса, энг асосийси, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

Мен шу юрtnнинг бир кекса авлод вакили сифатида темир йўллар соҳаси ходимларига бундан кейинги ишларида омадлар тилайман.

Баҳром ДўСТҚОБИЛОВ,
халқ таълими фахрийси,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани

САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИШЛАРНИ ХАВФСИЗ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МУМКИН

2003 йил 28 апрелдан буён ушбу сана бахтсиз ҳодисалар ва касб кассалликларини олдини олиш мақсадида ҳар йили юздан ортиқ мамлакатларда “Бутун жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни” сифатида кенг нишонланиб келинади.

Бугунги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти корхоналарида ҳам муносиб меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган етарлича механизм шакллантирилиб, соҳада меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлигини таъминлашнинг барча ҳуқуқий ва меъёрий асослари яратилган. Энг муҳими, қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжатда ишчи-ҳодимларнинг меҳнат қилиш шароитларини ҳалқаро андозалар ва меҳнат хавфсизлиги бўйича талаблар асосида мувофиқлаштирилиши инobatта олинган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти Жамиятга қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган ходимларнинг меҳнат жараёнида хавфсизлиги, ҳаёти, соғлиги, иш қобилиятининг сақланишига доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария ва гигиена, даволаш профилактика тадбирлари доимий равишда, тасдиқланган режалар асосида олиб борилмоқда.

Хусусан, меҳнат муҳофазасини рақамлаштириш орқали ишларни хавфсиз ташкиллаштириш учун рақамли меҳнат муҳофазаси дастурлари ишлаб чиқилиб татбиқ



дида келтирилган Рақамли саноат хавфсизлиги ахборот тизимини яратишга қаратилган топшириқни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда “Рақамли саноат хавфсизлиги” онлайн назорат платформаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда босқичма-босқич корхоналарда татбиқ этилмоқда.

Айни кунларда темир йўл корхоналарида меҳнат муҳофазаси бўйича мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Йил бошидан бугунгигача қадар тизимдаги корхона, ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан 9 минг 333 та тегишсиз ўтказилган бўлиб, шундан 2 минг 900 та ўтказилган тўғри текширувлар натижасида 10 минг 626 та қоидабузарликлар аниқланган, 10 минг 577 та қоидабузарликлар жойида бартараф қилинган.

Шу билан бирга корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси муҳандислари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари асосида меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бузган Жамият ўрта бўғин раҳбарлари ва ишчи-ҳодимлардан жорий йилнинг ўтган 3 ойида жами 729 дона меҳнат муҳофазаси бўйича 1-2-сонли оғохлантириш талонлари олинган. Шундан 580 нафар ишчи-ҳодимга 1-сонли оғохлантириш талонлари берилиб, уларга ҳайфсан эълон қилинди. 149 нафар ишчи-ҳодим 2-сонли оғохлантириш талони билан ўртача иш ҳақининг 10 фоизидан 30 фоизигача жаримага тортилди.

2025 йил учун ҳозирги кунда ишчи-ҳодимларга 3 мингта пахта матоли костюм, 7 минг 417 та кишики махсус кийим-бош тўплами, 10 минг дона сигнал жилети, 10 минг дона резиналаштирилган матоли плаш ва 10 минг 726 дона махсус пойабзал етказилган.

Н.НУРМАТОВА

МУСОБАҚА

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – МУСТАҲКАМ ЖАМОА ПОЙДЕВОРИ

“Темирйўлкарго” акциядорлик жамиятида соғлом ҳаёт тарзи ва жамоавий бирдамликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жамият ходимлари ўртасида қизиқарли ва руҳлантирувчи спорт мусобақалари ташкил этилди.

Тадбир давомида эркаклар ва аёллар алоҳида жамоаларда 100 метрга югуриш, арқонда сакраш, турникка тортилиш ва стол тенниси каби спорт турларига ўзаро беллашдилар. Ҳар бир иштирокчи мусобақаларда нафақат ўзининг жисмоний тайёргарлигини эмас, балки жамоавий руҳ, иродаси ва чидамлилигини ҳам намойиш этди.

Мусобақалар қизгин ва дўстона муҳитда ўтди. Иштирокчиларнинг спортга бўлган қизиқиши, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётга татбиқ этишга бўлган интилиши, айниқса, эътиборни тортиди. Тадбир якунида ғолиб ва фаол қатнашчилар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан



тақдирланди.

Спорт тадбирлари нафақат ходимларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, балки жамоавий бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда ҳам муҳим омил бўлди.

“Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти раҳбарияти келгусида ҳам соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, ходимлар саломатлиги ва иш унумдорлигини оширишга қаратилган бундай тадбирларни мунтазам равишда таш-

кил этишни мақсад қилган.

Соғлом жамият – кучли ва барқарор жамоанинг асоси. “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти ушбу қадриятни ўз фаолиятида устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олган.

СПРАВОЧНИК ЗАБОЛЕВАНИЙ



Зейнаб ХАЛИЛОВА, врач педиатр второй категории Детской дорожной больницы

Ветрянка – острое вирусное заболевание, возникающее преимущественно в юном возрасте и поражающее кожные покровы, вызываемая герпесвирусом человека третьего типа (Варицелла-Зостер). Вирус после проникновения внутрь организма сохраняется в нем на всю жизнь в нервных клетках.



ВЕТРЯННАЯ ОСПА

Кто наиболее подвержен недугу?

Согласно исследованиям, более подвержены недугу жители больших городов в отличие от проживающих в сельской местности. Имеет значение и возраст: ветрянка у детей 2,5-6 лет, а также младших школьников встречается чаще всего. Однако имеют место и случаи заболевания среди мужчин и женщин средних лет. Чем позже человек болеет ею, тем более ярко выраженными становятся симптомы.

Как можно заразиться ветрянкой

Возбудитель ветрянки – вирус Варицелла-Зостер – передаётся воздушно-капельным путём и может попасть в организм ребёнка с вдыхаемым воздухом, частицами слюны инфицированного, реже – при прямом контакте с высыпаниями.

Случаи заражения ветрянкой у детей чаще регистрируют весной и осенью.

Как распознать ветрянку?

Чтобы заболеть, достаточно двух условий: побыть рядом с больным ветрянкой и не иметь её в собственном анамнезе. В инкубационный период ничего сделать нельзя. Остается только дожидаться первых признаков – повышения температуры до 38-39 градусов, общего недомогания, снижения аппетита, появления характерной сыпи.

Сначала сыпь – редкая и выглядит как пятнышки или прыщи. Выдавливать их ни в коем случае нельзя: шрам будет очень глубоким. Объём высыпаний постепенно увеличивается, покрывая все участки тела.

На ранних стадиях ветрянку можно принять за аллергическую реакцию. Но контактный дерматит редко распространяется по всему телу и никогда не трансформируется в пузырьки.

При этом человек ощущает сильный зуд. Расчесывать ветрянку тоже нежелательно. Облегчения это не принесет, зато есть риск получить массу рубцов на коже или занести вторичную инфекцию.

Инкубационный период и заразность ветрянки у детей

Инкубационный период ветрянки длится от 10 до 20 дней, в это время ребёнок активен и не ощущает никаких симптомов.

Только спустя пару недель вирус достигает кожи и на ней образуются характерные высыпания в виде красных пятен, на которых развиваются пузырьки, заполненные жидкостью, – везикулы.

За 2 дня до появления первых высыпаний ребёнок уже заразен для окружающих.

В среднем ветрянкой болеют 7-10 дней.

Возможные осложнения

Как правило, болезнь проходит без тяжелых последствий, в особенности, если не расчесывать папулы. Однако в редких случаях осложнения после ветрянки все же могут иметь место. Среди них:

- бактериальная инфекция, спровоцированная стрептококком;
- вирусная пневмония, чаще встречаемая у малышей первого года жизни и проявляемая в виде высокой температуры тела, излишнего побледнения кожи, сухого кашля и сильной одышки даже в состоянии покоя;
- временное нарушение работы центральной нервной системы;
- энцефалит;
- ветряночный менингит.

Чтобы избежать подобных последствий, наблюдение за развитием болезни и лечение необходимо проводить под контролем врача – терапевта, педиатра или инфекциониста.

Профилактика

Чтобы в будущем не столкнуться с симптомами ветрянки у детей и не искать методы лечения, стоит уделить внимание профилактике. Она включает следующие мероприятия.



- Прививка от ветрянки рекомендуется для всех детей и является одним из эффективных способов профилактики. Препарат содержит ослабленный живой вирус, который стимулирует иммунную систему ребенка к производству защитных антител.
- В случае заболевания ребенка ветрянкой, важно изолировать его от контакта с другими детьми и людьми, особенно с теми, у кого не выработан иммунитет к вирусу.
- Соблюдение гигиены помогает снизить вероятность передачи вируса.
- В некоторых случаях, при контакте с больным ветрянкой, врач может рекомендовать применение иммуноглобулина для профилактики или смягчения течения заболевания. Но для этого нужно обратиться к специалисту еще до появления признаков, поэтому нужно точно знать, как начинается ветрянка у детей.

САЁХАТ ҚИЛИНГ!

1486 йиллик тарихи билан инсоният меросининг энг нафис иншоотларидан бири бўлган Истанбулдаги Ая София масжиди ўзининг улғуворлигини келажак авлодларга қолдирадиган кенг қўламли реставрация лойиҳасининг марказига айланди. Лойиҳа доирасида иншоотнинг муҳташам гўмбазиди айна пайтда кенг қамровли мустақамлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

АЯ СОФИЯНИНГ РАМЗИЙ ГУМБАЗИ АСРЛАРГА БАРДОШ БЕРИШ УЧУН ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

АЯ СОФИЯ ГУМБАЗИ

Истанбул абадий меросининг рамзи бўлган Ая София лойиҳаси Туркиянинг энг сўнгги табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларидан бири бўлиб, маданий меросининг барқарорлигини таъминлаш учун кўплаб археологик қазилмалар ва реставрация лойиҳаларини амалга оширади. Ушбу улкан меъморий мўъжиза қарийб уч йил давомида кенг қамровли таъмирланди ва мустақамланди. Мазкур саъй-ҳаракатлар доирасида ишларнинг бир қисми ниҳоясига етказилди, қолган босқичлари пухталики билан амалга оширилмоқда. Эндиликда Ая София гўмбазининг асл шаклини сақлаб қолган ҳолда зилзилаларга чидамлироқ қилиш учун ишлар олиб борилади. Мозаика билан қопланган ички юзага зарар етказмаслик учун марказий гўмбазга барча аралашувлар ташқи томондан амалга оширилади.



Гўмбазнинг ташқи юзасидаги кўрғошин қопламалари олиб ташланади ва таъмирланади ёки янгилари билан алмаштирилади. Ушбу жараён давомда гўмбаз юзаси мавсумий об-ҳаво шароитидан ёки ичидаги мозаикадан шикастланмаслик учун вақтинча пўлат конструкция ва юқори сифатли ҳимоя брезент билан қопланади. Ая София гўмбазидagi таъмир ишлари гўмбазнинг ички юзасидаги мозаикаларнинг сақланишини ҳам ўз ичига олади. Мозаика устида ишлаш учун ичкарида тўртта устун билан мустақамланган ва баландлиги 43,5 метр бўлган пўлат платформа тизими ўрнатилади. Ушбу тизим гўмбаздаги тиклаш ишларининг хавфсиз ва самарали ҳамда ибодатнинг узлуксиз давом этишини таъминлайди.

Ушбу реставрация лойиҳаси аввалроқ Маҳмуд III, Салим II ва Мурод III мақбаралари, Сибян мактаби (бошланғич мактаб) ва Муваккитхона (намоз вақтлари ҳисобланган вақт хонаси) биноларида амалга оширилди. Илгари ёпилган галерея қавати тозаланди, таъмирланди ва ташриф буюрувчилар учун қайта очилди. Бу жараёнда мажмуа ичидаги барча тузилмалар 3D форматда ҳужжатлаштирилди ва рақамли тизимга ўтказилиб, Ая Софиянинг рақамли эгизаги яратилди. Ушбу кенг қамровли реставрация жараёни билан Ая София масжидининг асл қўрилиши сақлаб қолиниб, келажак авлодларга қолдирилади.

АЯ СОФИЯ: ИСТАНБУЛНИНГ ҚАДИМИЙ ИМПЕРИЯЛАРИГА ҲУРМАТ

Ая София 1985 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Дастлаб у тахминан 1500 йил олдин христиан базиликаси сифатида қурилган. "Муқаддас ҳикмат" черкови сифатида танилган ушбу бино қурилган пайтида христиан оламидаги энг муҳим черков эди. Султон Маҳмуд II Усманийлар империяси даврида бинони масжидга айлантириб, унинг олтин мозаика ва фрескаларини мураккаб ислоний нақш ва безаклар билан қоплаган. Катта гўмбазли иншоотга турли вақтларда тўртта минора қўшилган.

Султон Салим II Ая Софиянинг ғарбий томонидаги иккита минорани ва унга қўшимча равишда Ая Софияни тиклашни бош муҳандис Меъмор Синанга топширди. Синан минораларни қуришда бинони ўзида тиклаш ишларини олиб бори ва уни тиргалар билан мустақамлаб, унинг умрини сезиларли даражада узайтирувчи чора-тадбирларни амалга оширди. Унинг ҳиссаси Ая Софиянинг асрлар давомида бошдан кечирган кўплаб ҳалокатли зилзилаларга бардош беришида муҳим роль ўйнади.

ТАЪЗИЯ

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарияти Урганч темир йўл касалхонасининг солиқ бош шифокори

ХАЛНИЯЗОВ ОЛИМБОЙ ТОХИРОВИЧНИНГ

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди.



МУАССИСЛАР:

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси
Республика Кенгаши



Халқимизнинг сеvimли актрисаси Гавҳар Зокирова театр ва кино оламига қадам қўйганига 54 йилдан ошди.

У 1949 йил 10 сентябрь куни Тошкент вилоятининг ҳозирги Нурафшон шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. Она томонидан машҳур ўзбек маърифатпарвари, шоири ва жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг эвараси. Гавҳар опа 1971 йил А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институтини тамомлаб, ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрида ижодий фаолиятини бошлаган.

Театрда 100 дан ортиқ спектаклларда иштирок этиб, турли хил характердаги образларни гавдалантирди. Кинода ҳам 40 дан ортиқ роллар жонроқ этди. Томошабинларимиз Гавҳар Зокировани "Тўйлар муборақ", "Севинч", "Шайтанат", "Келгинди қайнона" ҳамда "Бир кам дунё" каби фильм ва сериалларда ўйнаган ролларини сеvim томоша қилишади. Шунингдек, актриса 20 йил давомида "Наврўз" радиосида "Тонги меҳмон" дастури бошловчиси бўлган. Сўнгги 2 йилдан буён эса "Орият доно" радиосида "Ҳадидлар" муаллифлик дастури бошловчиси. Актриса 1988 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", 2016 йилда эса "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари билан тақдирланган.

Томошабинларнинг сеvimли санъаткори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, марҳум Жамшид Зокировнинг умр йўлдоши, актёр Жавоҳир Зокировнинг онаси Гавҳар Зокировадан газетамиз учун махсус интервью олди.

– Гавҳар исмини сизга ким қўйган?

– Отам раҳматли иккинчи жаҳон урушида 4 йил иштирок этганлар. 1945 йил Венгрияда 1 йил давомида шаҳар ҳокими бўлган ва лейтенант бўлиб ўрушдан қайтганлар. Уруш пайтида Тамарахоним бошчилигида ҳарбий ансамбль бўлган. Тамарахоним, Гавҳархоним, Лизахоним – марғилонлик бу уч опа-сингил арман қизлари бутун фронт бўйлаб концерт дастурларини қўйиб юришарди. Фронт ҳудудларида уларнинг концертларини отам ҳам кўрган эканлар. Мен бунини отам ўтганларидан кейин онамдан билдим. Бу уч опа-сингил-

лардан Гавҳар опа жуда чиройли аёл бўлганлар. Отам шу аёлни рақсини, санъатини кўриб завқланган эканлар. "Тирик қолсам, қизим бўлса, албатта, исминини Гавҳар қўяман" деб дилларига арбоби Абдулла Авлонийнинг эвараси. Гавҳар опа 1971 йил А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институтини тамомлаб, ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрида ижодий фаолиятини бошлаган.

– Санъатга бўлган қизиқинишга ота-онангиз рози бўлишганми?

– Институтга кирганимда Ғуломов деган домламиз бор эди. Ўзбек тили адабиётидан дарс берганлар. Шу ўқитувчимиз менга "Сиз Абдулла Авлонийнинг эварасимисиз?" деганлар, "Ҳа" десам, "Биласизми, Абдулла Авлоний ўзбек театри асосчиларидан бири бўлган" деганди. Театр санъатига қизиқиш авлодимизда ҳам бор эканда. Шу боис актёрлар бўламан деганимда онам 3 кун жуда қаттиқ йиғлаганлар. "Артистлар бахтсиз бўлади" деб айтганлар. Шунда мен "Албатта, бахтли бўламан" деганман ва охири рози бўлдилар. Лекин отамга айтмаганимиз, улар мени бошқа олимгоҳда ўқияпти, деб ўйлаганлар. 4 курсда ўқиётганимда таниқли хонанда Ботир Зокиров уйимизга совчи бўлиб



ГАВҲАР ЗОКИРОВА: ЭНГ КАТТА БАХТ ЯХШИ КЎРГАН КАСБИНГИЗ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШДИР



келдилар ва Жамшид Зокиров учун отамга айтишган. Отам эса "Ҳа бўпти, мен розиман" деганлар. 1971 йилда эса Жамшид Зокиров билан оила қурганмиз.

– Зокировлар оиласига келин бўлганиздан кейин оилавий муҳитга кўникиш қийин бўлмаганми?

– Бу оиллага бўлган ҳурматим чексиз. Қайнотам, қайнонам, Ботир акамга, Фаррух акамга ҳамда Нофал акамга ва Луиза опамга миннатдорчилигимни билдираман. "Сулпола" спектаклида келин сифатида инсонийликни улардан ўргандим. Машҳур оиллага келин бўлиб тушганимда мени доим қўллаб-қувватлаб туришган. Шу боис оилавий муҳитга тез мослашиб кетганман.

– Аёл санъаткор учун ҳам ижодни, ҳам фарзанд тарбиясини баробар олиб бориш қанчалик қийин, деб ҳисоблайсиз?

– Албатта, жуда ҳам қийин. Турмуш ўртоғим билан уйдан ишга бирга кетардик, бирга келардик. Қайнонам фарзандларимизга қараб турардилар. Ховлимиз бузилганидан сўнг алоҳида яшашга мажбур бўлдик. Алоҳида яшаганимизда моддий ва маънавий жиҳатдан кўп қийналардик, ойлик кам, болалар кичкина, лекин биз ҳаётимизда яхши кўрган касбимиз билан шуғулланаётганимиздан хурсанд эдик. Биз учун бу энг катта бахт эди. Менимча, ҳаётда инсон яхши кўрган иши билан шуғулланиши энг катта бахт бўлса керак. Болаларимиз театрда катта бўлишди, айниқса, Жавоҳир 4 ёшидан сахнага чиқарди, кўп спектаклларда ўйнади, ҳатто мактаб дарсларини ҳам театрда қилардик. Болаларим мактабдан келиб доим биз билан бирга бўлишган, бу ердаги сахна меҳнатини кўришган, касбга бўлган муносабатини ўрганишган. Шунинг учун ҳам ҳозир иккала фарзандим самарали меҳнат қилишяпти, фарзандларини ҳам яхши тарбия қилиб, оиласини шараф билан бошқаришади.

"Қуш уясида кўрганини қилади" дегани шу бўлса керак.

– Раҳматли турмуш ўртоғингиз Жамшид Зокировнинг қайси яхши фазилатларини эслаб, хотирлайсиз?

– Биз эр-хотин ишдан чарчаб келганимизда "сен овқат қил, мен чарчадим" деган гап бўлмасди. Иккимиз бир ёқадан бош чиқариб, "сиз буни қилинг, мен эса бунини" деб овқат қилардик, меҳр билан таом ердик ва болаларимиз шунини кўриб катта бўлишди. Жамшид акам олийжаноб инсон эдилар, улардан ёмон ва қаттиқ гап эшитмаганим умрим давомида. Жуда ҳам бағрикенг, меҳридарё инсон бўлган. Оилапарвар, ота-оналарига, акаларига ҳамда фарзандларига нисбатан меҳри беқиёс эди. Ҳар биримизга фақат меҳр берардилар, инсон учун бу энг катта бахт бўлса керак.

– Гавҳар опа бу ҳаётда нимадан кўпроқ завқ олиб яшайсиз?

– Қилаётган ишимдан, яхши одамлар билан қўришганимдан завқ оламан. Шунингдек, яхши асар ўқисам, яхши фильм ёки спектакль кўрсам завқланаман. Яхши инсонлар билан мулоқотда бўлсам, дейман. Ақлли, ўқимшли ёшларимизнинг борлигини кўрсам завқ оламан.

– Устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз, қамлардан нималарни ўргангансиз?

– Мен 54 йилдан бери театрда ишляпман. Биз кўрган устозлар сони 50 тадан ошган бўлса керак. Афсуски, уларнинг кўплари бу дунёдан ўтиб кетишди. Касбга бўлган муносабатни, ҳар қандай оғир аҳволда бўлишларига қарамай спектаклда ишонли топширилган ролни ишончли ижро этишларини, ҳалол меҳнат қилишни, инсонийликни, халқни яхши кўришни, томошабинга бўлган ҳурматни бу дунёдан ўтиб кетган буюк устозларимдан ўргандим. Улар билан бирга

спектаклларда ўйнаганман, ролларни бутун вужуди, қалби билан ўйнаганини кўрганман.

– Поездлардан кўп фойдаланиб турсангиз керак. Бугунги Ўзбекистон темир йўлларида муносабатингизни билмоқчи эдик.

– Мустақиллик йилларида Ўзбекистон темир йўллари жуда катта ривожланиш босқичини бошиб ўтди, деб ишонч билан айта оламан. Бунини биз республикамизнинг турли ҳудудларига ижодий сафарларга поездда борганимизда яна бир бор ҳис этамиз. Чунки авваллари Тошкентдан Москвага поездда 3-4 кунлаб юрардик. Мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги 10-15 йилда темир йўл соҳасида йўловчиларни ташишда катта ишлар қилинди. Айниқса, "Афросиёб" поездларининг Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Шахрисабз каби тарихий шаҳарларимизга ҳаракатланиши жуда катта воқеа бўлди. Вокзал ва поездларда яратилган ҳунардорликлардан нафақат маҳаллий йўловчиларимиз, балки хорижлик сайёҳлар ҳам миннатдор бўлишмоқда. Бунини биз яқин йиллар давомида Самарқанд ва Хива шаҳарларига бир гуруҳ санъаткорлар билан поездда борганимизда гувоҳ бўлдик. Темирйўлчиларнинг бу ютуқларидан, ривожланиш йўлларидадан фақат хурсанд бўламан. Юртимизнинг кўрадиган жойлари жуда кўп. Бухорода, Самарқанд ва Хивада ҳам тарихий масканлар жуда кўп. Юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар гўзал ҳудудларимизга асосан поездда боришяпти. Водий шаҳарларига ҳам замонавий поездларимиз ҳаракатланмоқда. Бундан 2 ой аввал Тошкентдан Андижонга тадбирга борган эдик, кўркам ва шинам йўловчи вагонларида вагон кузатувчилари жуда яхши хизмат кўрсатишди, чиройли муомалада бўлишди. Вокзалда ҳам кўриб олиб, жуда катта ҳурмат қўрсатишди. Шунинг учун мен вилоятларга поездда боришни яхши кўраман, жоним билан, қаерга деса, бораман поездда. Темир йўл ходимларига катта миннатдорчилик билдираман, уларга шарафли ишларида саломатлик ва муваффақият тилайман. Шу қатори сизга ва "Темирйўлчи" газетаси ижодкорларига ҳам омад тилайман.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Буюртма Г-434

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди

ISSN: 2181-6158

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200